

**РЕСПУБЛИКА ШОШИЛИНЧ ТИББИЙ ЁРДАМ ИЛМИЙ МАРКАЗИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/30.12.2019.Tib.63.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

РЕСПУБЛИКА ШОШИЛИНЧ ТИББИЙ ЁРДАМ ИЛМИЙ МАРКАЗИ

СУЛТАНОВ ПУЛАТ КАРИМОВИЧ

**ТИРИК ДОНОРДАН ОЛИНГАН БУЙРАК ТРАНСПЛАНТАЦИЯСИ
НАТИЖАЛАРИНИ БАШОРАТ ҚИЛИШ ВА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ
ЙЎЛЛАРИ**

**14.00.40 – Шошилинч тиббиёт
14.00.32- Трансплантация ва сунъий аъзолар**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАН ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2021

Докторлик (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата докторской (DSc) диссертации

Contents of the abstract of doctoral (DSc) dissertation

Султанов Пулат Каримович

Тирик донордан олинган буйрак трансплантацияси натижаларини башорат қилиш ва такомиллаштириш йўллари..... 3

Султанов Пулат Каримович

Пути улучшения и прогнозирования результатов трасплантации почки от живого донора..... 27

Sultanov Pulat Karimovich

The ways of improvement and prediction of the results of kidney transplantation from a living donor..... 53

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 57

**РЕСПУБЛИКА ШОШИЛИНЧ ТИББИЙ ЁРДАМ ИЛМИЙ МАРКАЗИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/30.12.2019.Tib.63.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

РЕСПУБЛИКА ШОШИЛИНЧ ТИББИЙ ЁРДАМ ИЛМИЙ МАРКАЗИ

СУЛТАНОВ ПУЛАТ КАРИМОВИЧ

**ТИРИК ДОНОРДАН ОЛИНГАН БУЙРАК ТРАНСПЛАНТАЦИЯСИ
НАТИЖАЛАРИНИ БАШОРАТ ҚИЛИШ ВА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ
ЙЎЛЛАРИ**

**14.00.40 – Шошилинч тиббиёт
14.00.32- Трансплантация ва сунъий аъзолар**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАН ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2021

Фан доктори диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2019.2.DSc/Tib385 рақами билан рўйхатга олинган.

Диссертация Республика шошилич тиббий ёрдам илмий марказида бажарилган.
Диссертация автореферати икки тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (www.emerg-centre.uz) ҳамда «Ziyonet» ахборот-таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи: Хаджибаев Абдуҳаким Муминович
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар: Мойсюк Ян Геннадиевич
тиббиёт фанлари доктори, профессор (Россия Федерацияси)

Ақалаев Рустам Нурмухамедович
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Бахритдинов Фазлитдин Шамсидинович
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот: «Н.В.Склифосовский номи тез ёрдам илмий-текшириш институти» давлат бюджет муассасаси (Россия Федерацияси)

Диссертация химояси Республика шошилич тиббий ёрдам илмий маркази хузуридаги DSc.04/30.12.2019.Tib.63.01 рақамли илмий кенгашнинг 2021 йил «19» октябрь соат 14.00 даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100115 Тошкент, Чилонзор тумани, Кичик халқа йўли кўчаси 2-уй. Тел/факс: (+99878) 150-46-00, e-mail: uzmedicine@mail.ru)

Диссертация билан Республика шошилич тиббий ёрдам илмий марказининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____ рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100115, Тошкент ш., Чилонзор тумани, Кичик халқа йўли кўчаси, 2. Тел.: (+99878) 150-46-00; факс: (+99878) 150-46-05.

Диссертация автореферати 2021 йил «5» октябрь куни тарқатилди.
(2021 йил «5» октябрь даги 14 рақамли реестр баённомаси).



Д.А.Алимов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси ўринбосари, тиббиёт фанлари доктори

Х.Э.Анваров
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, фалсафа доктори (PhD)

Б.К.Алтиев
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори

КИРИШ (докторлик (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда буйрак касалликларнинг ташхислаш ва даволаш тизимидаги нуқсонлар натижасида хасталикнинг сурункали турининг тарқалиши ва асоратлари кун сайин ортиб бормоқда. Буйракнинг бажара олмайдиган фаолиятини даволашда диализдан кенг фойдаланиб келинмоқда, бироқ, бу жараён самарали натижалар бермайди, хасталикнинг самарали даволаш усули бу трансплантациядир. Сурункали буйрак етишмовчилигининг терминал босқичини даволашнинг энг асосий оптимал ва радикал усули буйрак трансплантацияси ҳисобланади. Трансплантация амалга оширилган беморларнинг маълумотларига асосан диализга нисбатан трансплантациядан кейин асоратларнинг камайганлиги ва ҳаёт сифатининг яхшиланганлиги борасида қатор илмий натижалари олинган. Трансплантация амалга оширилган беморларда «..... жисмоний, ақлий ва руҳий фаолиятининг тикланганлиги, диализдан фойдаланган беморларга нисбатан фарқлилигини таъминлаш билан биргаликда яшовчанлик даражаси 11-17 йилгача таъминлаганлигидан далолат берди....»¹. Шу билан боғлиқ ҳолда буйрак трансплантацияси (БТ) реципиентларнинг ҳаёт сифати ва давомийлигини сезиларли ошириш билан касалликни даволашнинг асосий тартиби бўлиб ҳисобланади. Бугунги кунда донорни танлаш, трансплантантга иссиқлик ишемиясининг таъсирини камайтириш, асоратлар хавфини башоратлаш, ташхислаш ва даволаш мавжуд бўлишига қарамасдан, масалани тўлиқ ечимини топиш замонавий трансплантологиянинг энг муҳим муаммоли масалаларидан бири ҳисобланади.

Жаҳонда тирик донордан олинган буйрак трансплантацияси самарадорлигини такомиллаштиришга қаратилган илмий-тадқиқотларга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада буйрак трансплантацияси учун тирик донорни тайёрлаш, донор нефрэктомияси натижаларини солиштирма таҳлил қилиш, донор буйраги хужайраларининг бузилишида иссиқлик ишемияси давомийлигининг аҳамиятини исботлаш, трансплантатни жарроҳлик амалиёти даврида ҳимояси ва уни бажариш учун курилмадан фойдаланишнинг янги усулини яратиш ҳамда амалиётга тадбиқ қилиш чоратадбирлар комплексини ишлаб чиқиш, самарали трансплантацияни амалга оширишга қаратилган жарроҳлик амалиётини такомиллаштириш алоҳида аҳамият касб этади.

Мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштириш, жумладан, турли буйрак соматик касалликларни асоратларни олдини олиш эрта ташхислаш, даволаш ва олдини олиш сифатини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясига мувофиқ аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш даражасини янги босқичга кўтаришда «...ихтисослаштирилган тиббий хизмат кўрсатиш

¹Luyckx V.A, Tonelli M., Stanifer J.W. The global burden of kidney disease and the sustainable development goals // Bulletin of the World Health Organization.-2018.- №96.- P.414-422.

кулайлиги ҳамда сифатини ошириш, тез ва шошилиш тиббий ёрдам тизимини янада ислоҳ қилиш, ногиронликнинг олдини олиш...»² каби вазифалари юклатилган. Шундан келиб чиққан ҳолда таъкидлаш жоизки, тирик донордан олинган буйрак трансплантацияси натижаларини янада яхшилашга, ушбу амалиётдан сўнг кузатилиши мумкин бўлган асоратларни башорат қилишга, олдини олишга, эрта аниқлашга ва ўз вақтида баргараф қилишга қаратилган илмий тадқиқотлар кўламини кенгайтириш долзарб вазифа бўлиб қолмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ–4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида», 2017 йил 16 мартдаги ПФ-4985-сон «Шошилиш тиббий ёрдам фаолияти тизимини ташкил этиш ва моддий-техник базани келгусида мустаҳкамлаш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида», 2018 йил 7 декабрдаги ПФ-5590-сон «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонлари, 2017 йил 20 июндаги ПҚ–3071-сон «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017–2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи³. Тирик донордан олинган буйрак трансплантацияси натижаларини башорат қилиш ва такомиллаштиришга йўналтирилган илмий изланишлар жаҳоннинг қатор илмий марказлари ва олий таълим муассасаларида, жумладан: University of Groningen (Голландия); University of Cambridge, University of Oxford (Буюк Британия); University of Western Australia (Австралия); University of Hadassah-Hebrew (Исроил); University of Emory; University of Chicago, University of Alabama at Birmingham (АҚШ); University of Antwerp (Белгия); University of Rijeka (Хорватия); University of Careggi; University of Novara; University of Magna Graecia; University Hospital of Catania (Италия); National Medical Research Center of Cardiology (Россия); Республика шошилиш тиббий ёрдам илмий маркази (Ўзбекистон) да олиб борилмоқда.

²Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ–4947 сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони.

³Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи www.rug.nl; www.uab.edu; www.uwa.edu.au; www.hadassah.org.il; www.aou-careggi.toscana.it; www.emory.edu; www.uantwerpen.be; www.uniri.hr; www.uchicago.edu; www.uniupo.it; www.unicz.it; www.unict.it; www.cardioweb.ru; www.emerge-centre.uz сайтлар асосида ишлаб чиқилган.

Тирик донордан олинган буйрак трансплантациясининг самарадорлигини оширишга йўналтирилган илмий тадқиқотлар асосида қатор салмоқли натижалар олинган бўлиб, жумладан буйрак трансплантациясидан кейин трансплантантнинг яшовчанлигини таъминлашда ушбу аъзонинг ишемияси ва реперфузион шикастланиши оқибатида юзага келадиган реципиент организмидаги патологик ўзгаришларнинг олдини олиш, эрта аниқлаш ва ўз вақтида бартараф қилишнинг аҳамияти исботланган (University of Groningen, АҚШ); сурункали буйрак етишмовчилигининг терминал босқичида бир вақтининг ўзида жигар ва буйрак трансплатациясини бажаришнинг самарадорлиги исботланган (University of Alabama at Birmingham (АҚШ)); донор қонидаги микроорганизмларни ДНКга асосланган микрочип ёрдамида тезкор аниқловчи усул ишлаб чиқилган (Helsinki University, Финляндия); COVID-19 пандемияси шароитида буйрак трансплантацияси бажариш хусусиятлари, коронавирусуга чалинган донорларни даволаш стратегияси, шу жумладан ўпка сунъий вентиляцияси тартиби ёритилган, ушбу беморларда ўлим кўрсаткичига салбий таъсир кўрсатувчи омиллар аниқланган (University of Hadassah-Hebrew, Исроил); илгари буйрак саратонини ўтказган беморларда буйрак трасплантациясини амалга ошириш тартиби такомиллаштирилган (University of Novara, АҚШ); буйрак трансплантацияси амалга оширилган беморларда гипертония касаллигини даволашнинг оптимал тактикаси ишлаб чиқилган (University of Chicago, АҚШ); буйрак трансплантацияси амалга оширилган эркак беморларда эректил фаолияти пасайишининг омиллари кўрсатилган (University of Magna Graecia, Италия); жигар трансплантациясидан кейин ўт йўлларида юзага келадиган асоратларни аниқлашда МР-холангиопанкреатографиянинг аҳамияти баҳоланган (University of Ankara, Туркия); тирик донордан олинган буйрак трансплантацияси натижалари такомиллаштирилган (Республика шошилич тиббий ёрдам илмий маркази, Ўзбекистон).

Дунёда тирик донордан олинган буйрак трансплантацияси натижаларини башорат қилиш ва самарадорлигини оширишга қаратилган устувор йўналишлар бўйича, шу жумладан буйрак трансплантацияси амалиётидан кейинги асоратларни эрта аниқлаш ва даволаш алгоритмини ишлаб чиқиш; кўчириб ўтказилган буйракнинг ҳамда реципиентнинг яшовчанлиги эхтимолини, трансплантат фаолиятининг сусайиши ва батамом тўхташи хавфини аниқ хисоблаш усуллариномиллаштириш; буйрак трансплантацияси натижаларини башорат қилишда реципиентнинг бирламчи аҳволини, амалиётни бажариш техникаси ва амалиётдан сўнги даволаш хусусиятларини инобатга олган ҳолда реципиентнинг ўлими ва амалиётлардан сўнги асоратлар хавфини баҳолашни мукамаллаштириш бўйича илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Илмий адабиётларда тирик донорни танлаб олиш, иссиқлик ишемияси ва донор буйрагининг реперфузияси оқибатларини олдини олиш, органни қабул қилинмаслиги

ривожланишини, трансплантациядан кейинги асоратларни ва ўлим ҳолатини камайтириш каби масалаларга катта эътибор қаратилмоқда. МДХ давлатларида (Готье С.В., Хомяков С.М., 2018; 2020; Мойсюк Я.Г., 2017; Хубутия М.Ш., Пинчук А.В., 2013; Багненко С.Ф., Резник О.Н., 2017; Ульяновкина И.В., 2009); Шмарина Н.В., 2012); Сайдулаев Д.А., 2019; Барканова О.Н., 2016) ва бошқалар тирик донордан БТси, кўрсатмалари, иммуносупрессиянинг замонавий баённомалари, жарроҳлик амалиётидан кейинги асоратлар, БТсидан кейинги эрта юқумли асоратларни олдини олиш масалаларини ишлаб чиқишди. Россия трансплантологлар жамияти регистр маълумотлари бўйича 2018 йилда БТси 1 млн аҳолига 9,3 ни ташкил этди. Буйракнинг тирик донорлигини қўллашни ўртача сони 12,4%ни ташкил этди ва Россияда БТга бўлган ҳақиқий талаб йилига 6 878 ни ташкил этади (Готье С.В., Хомяков С.М. 2020).

Ўзбекистонда орган ва тизимларнинг трансплатологияси амалиётини амалга ошириш борасида қатор илмий ишлар амалга оширилмоқда (Назирова Ф.Г., 2020, Хаджибаев А.М., 2020; Даминов Б.Т., 2020, Акалаев Р.Н., 2017, Бахритидинов Ф.Ш., 2019), томир анастамозлари қўйишнинг янги усуллари, БТда реципиентларнинг жарроҳлик амалиети хавфини баҳолаш дастури (Назирова Ф.Г., Бахритидинов Ф.Ш., Собиров Ж.Г., Ахмедов А.Р., Ибрагимов С.Х. 2019), асоратларни ривожланиш хавфини башоратлаш дастури (Ибадов Р.А., Ибрагимов С.Х., Шаниева З.А., Маткаримов З.Т., 2019); БТсидан сўнг ўпка асоратларини респиратор даволаш тактикасини оптималлаштирилган (Ибадов Р.А., Ибрагимов С.Х., Маткаримов З.Т., 2019; Ибрагимов С.Х., 2020; Назирова Ф.Г., Ибадов Р.А., Назирова Л.А., Ибрагимов С.Х., Маткаримов З.Т., 2019), бироқ, тирик донордан олинган буйрак трансплантацияси натижаларини башорат қилиш ва такомиллаштириш тизими ўрганилмаган.

Буйрак трансплантацияси самарадорлигини оширишда муҳим аҳамият донорни тўғри танлаб олиш, реципиентнинг ҳолати, БТгача ГДнинг давомийлиги, донор буйрагини ажратиб олиш ва уни реципиентга кўчириб ўтказиш техникасини тўғрилиги, шунингдек БТдан кейинги иммуносупрессив даволашни тўғри танлаб олишга таълуқлидир. Шу билан бирга транспланталогия ва уни соғлиқни сақлаш амалиётига кенг жорий этиш соҳасида қатор ҳал этилмаган вазифалар мавжуд. Ушбу муаммолардан бири бўлиб, донор буйрагининг иссиқлик ишемияси оқибатлари ҳисобланади. Мазкур соҳадаги мавжуд бўлган ижобий силжишларга қарамасдан, кўпинча иссиқлик ишемияси давомийлигини ортиши, кўчириб ўтказиш вақтида ажратиб олинган буйракни паст ҳароратда ушлаб туриш бўйича қурилмаларнинг мавжуд эмаслиги қайд қилинди. Шунингдек донор - реципиент жуфтлигини танлаб олиш, донорни танлаб олиш алгоритми ва БТдан сўнг беморларни юритиш масалалари ҳал этилмасдан қолмоқда. Ушбу муаммоларни ҳал қилишга қаратилган вазифаларни бажариш бугунги кундаги тиббиётнинг трансплантология соҳасининг долзарб муаммоларидан биридир.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Республика шошилиш тиббий ёрдам илмий марказининг илмий ишлари режасига мувофиқ №СС-А-2021-1 «Қариндош донордан олинган буйрак трансплантатида рад этилиш жараёнини эрта аниқлаш ва унинг олдини олиш бўйича дастурий махсулотни ишлаб чиқиш» мавзусидаги амалий лойиҳаси доирасида бажарилган (2021-2023 йй.).

Тадқиқотнинг мақсади тирик донордан олинган буйрак трансплантациясида ташхислаш, жарроҳлик амалиёти протекцияси ва трансплантат патологиясини башоратлашни такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

буйрак трансплантацияси учун тирик донорни текшириш алгоритмини ишлаб чиқиш;

кириш усулига боғлиқ ҳолда донор нефрэктомияси натижаларини қиёсий таҳлилини баҳолаш;

тажрибада донор буйраги хужайраларини бузилишида иссиқлик ишемия давомийлиги аҳамиятини исботлаш;

трансплантатни жарроҳлик амалиёти пайтидаги ҳимояси ва уни бажариш учун қурилмадан фойдаланишнинг янги усулини яратиш;

буйрак трансплантациясида жарроҳлик амалиётидан кейинги асоратларни ташхислаш ва даволаш тактикасини кетма-кетлигини ишлаб чиқиш;

буйрак трансплантациясида реципиентнинг ҳолати, жарроҳлик амалиётининг ўзига хослиги, жарроҳлик амалиётидан кейинги эрта кечишларга боғлиқ ҳолда асоратларни ривожланиши, реципиентнинг ўлими, трансплантатни ўз вазифасини бажаришини йўқотишинг нисбий хавфида реципиент ва буйракни яшовчанлик эҳтимоллигини ҳисоблаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Республика шошилиш тиббий ёрдам илмий маркази ва Башкент Университети (Туркия) шифохонасида 2010-2020 йилларда стационар даволанишда буйракни кўчириши ўтказилган 568 жуфт донор-реципиент ва тажрибада 78 та жинсий етилган 148 дан 277 грамм вазндаги оқ каламушлар олинган.

Тадқиқотнинг предмети тирик донордан олинган буйрак трансплантацияси натижаларини башорат қилиш ва такомиллаштириш борасида тажриба ҳайвонларнинг буйрак материаллари ҳисобланган.

Тадқиқотнинг усуллари. Тирик донордан олинган буйрак трансплантацияси самарадорлигини такомиллаштиришда клиник, инструментал, анатомик, физиологик, инструментал ва статистик тадқиқот усулларида фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

тирик донорни оддий усулдан мураккаб усулга қараб босқичли текшириш алгоритми ишлаб чиқилган бўлиб, ушбу ёндашув текшириш вақтини қисқартиришга, молиявий ҳаражатларни камайтиришга, энг муқобил

иммуносупрессия баённомасини танлашга ва охир оқибат трансплантация натижаларини яхшилашга имкон яратади;

донор нефрэктомиясини бажаришда параректал яримойсимон кесимнинг юқори самарадорлиги исботланган бўлиб, ушбу кесимни қўллаш амалиётнинг давомийлигини, бирламчи иссиқлик ишемиясини, трансплантант фаолиятининг кечикиши ҳолатлари миқдорини қисқартиришга, бир йиллик яшовчанлик кўрсаткичини 93,3% гача оширишга, донор ва реципиентнинг ҳаёт сифатини яхшилашга имкон беради, хирург ва анестезиолог тактикасига ижобий таъсир қилади;

тажрибада иссиқлик ишемияси давомийлигининг донор буйраги фаолиятига таъсирини баҳолаш натижасида аъзо артериясини 12 ва 24 дақиқа давомида боғлаш орқали қонсизланган буйракда функционал ўзгаришлар деярли кузатилмаслиги, 36 дақиқа қонсизланганда эса вақтинчалик кузатилинадиган ўтиб кетувчи ўзгаришлар юзага келиши, 48 дақиқалик ишемиядан сўнг эса тоборо кучайиб борувчи ва охир-оқибатда жониворларнинг ўлимига олиб келувчи эгри бугри каналчаларнинг эпителиал тўқимасида ортга қайтмас деструктив-некробиотик ўзгаришларнинг ривожланиши кўрсатилган;

трансплантация амалиёти давомида трансплантантни иссиқлик ишемиясидан ҳимоя қилувчи, қуввати бошқарилинадиган, хирург фаолиятига халақит бермайдиган, асоратлар ривожланиш хавфини камайтирадиган, трансплантация қилинган аъзонинг реципиентда қониқарли фаолият кўрсатиш муддатини узайтиришга хизмат қилувчи махсус мослама яратилган ва самарадорлиги исботланган;

буйрак трансплантациясидан кейинги даврда ривожланадиган асоратларни қадамма-қадам дифференциал диагностика қилиш алгоритми ишлаб чиқилган бўлиб, у даволашнинг мақсадли тактикасини белгилашга, трансплантант фаолиятининг кечикиши миқдорини 22,5%дан 11%гача, ўткир ҳужайрали рад қилиш асоратини 11,6%дан 2,4%гача, сурункали рад қилишни эса 6,4%дан 1,8%гача ва ўлим кўрсаткичини 29,5%дан 6,1%гача қисқартиришга ҳамда 5 йиллик яшовчанликни 88,6%дан 93,9%гача оширишга имкон беради;

реципиентда юрак қон-томир касалликлари мавжуд бўлганда йирингли-септик асоратлар хавфи юқори бўлиши, HLA-номутаносиблик миқдори ва донор буйрак артерияларининг сони ортгани сайин трансплантант фаолиятининг кечикиши, гематомалар юзага келиши ва сийдик найи-сийдик пуфаги анастомозининг етишмовчилиги ривожланиши хавфи ҳам ортиб бориши аниқланган;

реципиент қонидаги мочевина, креатинин ва С-реактив оқсил миқдорининг кескин ортиши, гематома ривожланиши, буйрак копточаларидаги фильтрацияси тезлигининг сусайиши ўткир гуморал ҳамда сурункали рад қилиш каби асоратлар ривожланишининг эрта белгилари эканлиги исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

буйракни кўчириб ўтказишга бағишланган донорни баҳолаш тартиби қариндош донорлар имконияти билан сурункали буйрак етишмовчилик терминал босқичидаги донорлик нефрэктомиясига қарши кўрсатмаларни ўз вақтида ташхислаш ва кейинги босқичларга киритилмасликни асолашга қаратилган хавф омилларни камайтиришга шароит яратган;

буйракни кўчириб ўтказишда жарроҳлик амалиётидан кейинги асоратларни қадамма–қадам қиёслаш, уларни даволашнинг мақсадли тактикасини белгилаш, трансплантант кечиктирилган фаолиятини 22,5 дан 11%гача камайтириш, ўткир хужайравий қабул қилинмасликни 11,6 дан 2,4%гача, реципиентнинг ўлим кўрсаткичи 29,5 дан 6,1%гача камайтириш, беш йиллик яшовчанликни даражаси эса 88,6 дан 93,9 %гача ошириш тартиби баҳоланган;

параректал яримойсимон кесимини қўллаш жарроҳлик амалиёти ва бирламчи иссиқлик ишемияси давомийлигини қисқартириш орқали кечиктирилган трансплант фаолиятини ривожланишини камайтирилганлиги очиб берилган;

ишлаб чиқилган қурилма ажратиб олинган донор органини 4⁰ С ҳароратда доимий совутилган ҳолатда ушлаб туриш ва уни реципиентга кўчириб ўтказишни таъминлаш, қон оқими тиклангандан сўнг ҳароратни меъёргача ошириш натижасида реципиентда трансплантатнинг вазифасини бажариш муддатини узайтирилганлиги, яшовчанлик даражасини баҳолаш мезони ҳисобланган;

қадамма-қадам бажариш ташхислаш тартиби трансплантант кечиктирилган фаолиятини ривожланиш сони, ўткир хужайра ва гуморал ажралиб кетиш, буйракнинг сурункали тартибда қабул қилмаслик ва жарроҳлик амалиётидан кейинги бошқа асоратларни камайтириш ҳамда беш йиллик яшовчанликни даврининг баҳолаш механизмининг самарадорлиги баҳоланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги қўлланилган назарий ёндошув ва усуллар, олиб борилган текширувларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, текширилган беморлар сонининг етарлилиги, тадқиқотда қўлланилган замонавий ўзаро бир-бирини тўлдирувчи клиник, лаборатор, инструментал ва экспериментал, биокимёвий ва статистик усуллар ёрдамида ишлов берилганлиги, шунингдек, тирик донордан олинган буйрак трансплантацияси натижаларини башорат қилиш ва такомиллаштиришда халқаро ҳамда маҳаллий тажрибалар билан таққослангани, олинган натижаларнинг хулосаси ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундан иборатки, потенциал донорларни тез ва мақсадли танлашни назарий асосларни яратиш, билимларни кенгайтириш, трансплантантни иссиқлик ишемиясидан химоя қилиш ва кўчириб ўтказилгандан кейинги организмда юзага келадиган асоратларни ташхислаш ва даволашга қиёсий ёндошув, буйракдаги тузилмавий-

функционал ўзгаришларни иссиқлик ишемияси давомийлигига боғлиқлигининг назарий мезонлари ишлаб чиқилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундан иборатки нефрэктомия учун потенциал донорни мажмуавий баҳолаш, трансплантат иссиқлик ишемиясидан жарроҳлик амалиёти давридаги ҳимояси учун бошқарувчи курилма яратилган, у жарроҳлар ишига ҳалақит бермаслиги, донор буйрагини ишемия оқибатидан ҳимоялаш, асоратлар ривожланиши ҳавфидан асраш ва реципиентда кўчириб ўтказилган органни ўз вазифасини бажариш муддатини ошириш, буйрак кўчириб ўтказилганда жарроҳлик амалиётидан кейинги асоратларни қиёсий ташхислаш ва ривожланиш ҳавфини башоратлаш мезонларини ишлаб чиқиш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларини жорий қилиниши. Тирик донордан олинган буйрак трансплантацияси натижаларини башорат қилиш ва такомиллаштириш йўлларида баҳолаш бўйича олинган натижалар асосида:

сурункали буйрак касаллиги билан хасталанган реципиентга тирик донордан олинган буйрак трансплантини яшовчанлик даражасини баҳолаш кетма-кетлигини олиб бориш тактикасини амалга ошириш мақсадида «Буйракни трансплантация қилиш учун тирик донорни олиб бориш алгоритми» номли услубий тавсияномаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2019 йил 22 ноябрдаги 8н-р/509-сон маълумотномаси). Натижада буйракни трансплантация қилиш учун тавсия қилинган тирик донорни олиб бориш тактикасини кетма-кет амалга ошириш ва жарроҳлик амалиётидан кейин реципиентнинг саломатлик ҳолатини яхшилаш ва ҳаёт сифатини ошириш имконини берган;

тирик донордан олинган буйрак трансплантини асоратларни олдини олиш ва беморларни олиб бориш тактикасини танлашда «Буйракни трансплантация қилгандан кейинги жарроҳлик амалиётлари асоратларини ташхислаш ва даволаш алгоритми» номли услубий тавсияномаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2019 йил 22 ноябрдаги 8н-р/510-сон маълумотномаси). Натижада буйракни трансплантация қилгандан кейин реципиентларда юзага келадиган асоратларни ташхислаш ва уни бартараф қилиш билан биргаликда ҳаёт сифатини ошириш имконини берган;

тирик донордан олинган буйрак трансплантациясини яшовчанлик даражасини такомиллаштиришга қаратилган тадқиқот натижалари соғлиқни сақлаш амалиётига, жумладан, Республика шошилиш тиббий ёрдам илмий маркази Жиззах филиалининг анестезиология ва жонлантириш бўлимлари, Қорақолпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти кўп тармоқли тиббиёт марказларининг нефрология бўлимларининг амалий фаолиятига тадбиқ этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 4 августдаги 08-09/9545-сон маълумотномаси). Олинган натижаларнинг амалиётга жорий қилиниши, потенциал донорлар логистикаси ва фойдасиз текширувларга бўладиган сарф-харажатларни камайтириш орқали тирик донорни танлаб олишни иқтисодий самарадорлигини ошириш, трансплантат фаолиятини кечиктириш сонини 11,5%, ўткир ҳужайра ажралиб чиқишини 9,2%, ўткир

гуморал ажралиб чиқишини 0,4% ва сурункали ажралиб чиқишни 4,6%га ҳамда жарроҳлик амалиётидан кейинги асоратларни ва ўрин-кун сонини 0,9га қисқартириш имкон берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 6 илмий-амалий анжуманда, жумладан 2 та халқаро ва 4 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 31 та илмий иш, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 14 та мақола, жумладан, 8 таси республика ва 6 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, олтита боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 187 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисми ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва заруратини асослашга, текшириш мақсади ва вазифалари, объект ва предметларини тавсифлашга бағишланган, тадқиқотнинг Республика фан ва технологияларининг устувор йўналишларига мувофиқлиги кўрсатилган. Тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **«Тирик донордан буйракни кўчириб ўтказиш: кўрсатма, потенциал донорни танлаш, жарроҳлик амалиётидан кейинги асоратларни эрта ташхислаш ва даволашнинг замонавий талқини»** деб номланган биринчи бобида диссертация мавзуси бўйича илмий тадқиқотларнинг шарҳи ва муаммонинг ўрганилиш даражаси батафсил келтирилган. Адабиётлар мушоҳадаси буйракнинг сурункали касаллиги ва унинг асоратларини замонавий тассавурлари, ўрин босувчи даволаш усулларининг қиёсий таҳлили, тирик донорда донорлик нефрэктомиясига кўрсатмалар ва қарши кўрсатмаларнинг тавсифи, БТ ва унинг асоратларига бағишланган, ечимини кутаётган масалалар белгилаб олинган.

Диссертациянинг **«Тирик донордан олинган буйрак трансплантацияси натижаларини башоратлашнинг клиник материаллари ва тадқиқот усуллари»** деб номланган иккинчи бобида ишнинг мақсад ва вазифаларига мос ҳолда материал ва текшириш усуллари баён этилган. 2010-2019 йиллар давомида РШТЎИМ жарроҳлик трансплантология бўлими ва Туркиянинг Анқара шаҳридаги Башкент университети тиббиёт факультети трансплантология марказида (Department of General Surgery and Transplantation Center, Başkent University Faculty of Medicine, Ankara, Turkey) стационар даволанишда бўлган 677 нафар бемор бўлиб, уларда гетеротопик БТ ўтказилди. Улардан 568 (83,9%) нафарига

тирик ва 109 (16,1%) нафарига эса вафот этган донорлардан буйрак кўчириб ўтказилди.

Клиник текшириш учун материал бўлиб БТни ўтказган СБЕТБ ли реципиент ва тирик донорларнинг (кейинчалик донорлар) 1136 касаллик тарихи хизмат қилди, уларнинг РНЦЭМП жарроҳлик трансплантология бўлимида (150, 13,2% донор ва реципиентлар) ва Анқара шахри, Башкент университети тиббиёт факультети трансплантология маркази (986, 86,8% донор ва реципиентлар) ва умумий жарроҳлик бўлимларида донор нефрэктомияси ўтказилган. 2010 йилдан 2017 йилгача буйракни кўчириб ўтказишда иштирок этган 808 донор ва реципиентлар назорат гуруҳини, 2018 йилдан 2019 йилгача бўлган 328 донор ва реципиентлар асосий гуруҳни ташкил этди. Ўрганилган контингентда реципиентлар орасида эркак жинсидаги шахслар устунликка эга бўлди (71,1%), донорлар орасида аёл жинсидагилар (53,2%) кўпчиликти ташкил этди. Реципиентлар 1 ёшдан 76 ёшгача бўлган, ўртача ёши – $33,01 \pm 15,33$ ёш ва донорларнинг ёши – 19 дан 79 гача бўлиб, уларни ўртача ёши – $43,45 \pm 11,03$ ёшни ташкил этди. БТсини бошидан ўтказган беморлар орасида СБЕТБнинг асосий сабаблари сурункали гломерулонефритнинг асоратли шакллари (25,2%), ҳафакон касаллиги (12,5%), пуфак сийдик йўли рефлюкси (12%), IgA-нефропатияси (7,7%), I ва II турдаги қандли диабет (6,3%), шунингдек буйрак поликистози (5,6%) бўлиб хизмат қилди. Фақат 15,7% бемор диализ олди ҳолатида, қолган беморлар диализда бўлган. Диализнинг давомийлиги 1 ойдан 24 йил оралиқда бўлиб, ўртача вақти $53,02 \pm 3,84$ ҳафтани ташкил этди. КФТ 3 дан 24 мл/дақиқа/1,73м² ўртасида ўзгариб турди, ўртача КФТ $10 \pm 4,3$ мл/дақиқа/1,73м² ни ташкил этди.

Тадқиқотдаги барча беморлар ўзаро мос бўлган гуруҳий мосликка эга бўлган. Бизнинг тадқиқотларимизда HLA-A, HLA-B ва HLA-DRB антиген гуруҳлари бўйича энг юқори мосликда бўлиб бир турдаги ўхшашлик мос ҳолда 62; 57,9 ва 69% қайд этилди.

БТдан олдин донор хужайраларига IgG синф HLA-антителолари мавжудлиги аниқланди: 91,3% бемор манфий кесишган синамага ва 8,7% шубҳали кўрсаткичларга эга бўлди. Мусбат кесишган синамали беморларга аввал плазмаферез қилинди ва фақат манфий синама олингандан сўнг БТга тайёргарлик кўрилди. Жарроҳлик амалиётидан 3 кун олдин суткасига 30 мг/кг микофенолатмофетил, 1мг/кг преднизолон, суткасига 2 марта 1 таблеткадан 20 мг омепразол буюрилди, шунингдек 3 кун давомида ГД ўтказилди. Жарроҳлик амалиёти пайтида стандарт оғриқсизлантирувчи қўлланмадан ташқари, буйракни кўчириб ўтказиш вақтида ва ундан сўнг реципиентга трансплантат перфузияси ва мос бўлган АБни ушлаб туриш учун 0,3-0,5 г/кг маннитол, 1 мг/кг лазикс ва 2 мг/кг/дақиқасига допамин буюрилади. Жарроҳлик амалиётидан кейинги даврда иммуносупрессия мақсадида реципиентга умри давомида ҳар куни 0,1 мг/кг такролимус ёки 5 мг/кг циклоспорин, 30 мг /кг микофенолатмофетил ва аста секинлик билан 5 мг гача камайтириб бориш орқали 1,5 мг/кг дозада преднизолон


буюрилади. Донорлик онаси, турмуш ўртоғи ва мурдадан бўлган ҳолатларда, шунингдек CrossMatch қиймати мусбат бўлганда реципиентга жарроҳлик амалиёти пайтида ва жарроҳлик амалиётидан кейинги 4 кун суткасига бир марта 20 мг Базилексимаб буюрилади. Иммуносупрессия натижасида юзага келадиган юқумли асоратларни олдини олиш учун 6 ой давомида суткасига катталарга 1 таблеткадан 960 мг ва болаларга ½ таблеткадан бисептол, 3 ой давомида кунига 2 марта 1 таблеткадан 450 мг ганцикловир билан бирга буюрилади. Жарроҳлик амалиётидан кейинги 1, 3 ва 7 кунларда кўчириб ўтказилган буйракни УТТ билан доплерографияси ўтказилди. Жарроҳлик амалиётидан кейинги эрта давр меъёрда кечишида, жарроҳлик амалиётидан кейинги 4 кунда сийдик катетери ва УТТ назорати остида 5 кунда дренаж трубкаси олиб ташланади. Сийдик йўлидаги қопламали Double J катетери жарроҳлик амалиётидан кейинги 45-60 кунда, қопламасизи эса 21 кунда олиб ташланади. Жарроҳлик амалиётидан кейин биринчи ойда ҳар 7 кунда, 3 ой давомида 2 ҳафтада, 6 ой давомида ҳар ойда ва кейинчалик 3 ойда 1 марта реципиент буйраги назорат қилиб борилади. Кўчириб ўтказилган буйракнинг УТТ билан доплерографияси, қоннинг умумий, биокимёвий, пешобни умумий таҳлиллари ва зарурат бўлганда иммунологик таҳлиллар ўтказилади.

Донор ва реципиентни текшириш, жарроҳлик амалиётига тайёргарлик кўриш ва жарроҳлик амалиётидан кейинги олиб бориш РШТЁИМ ва Вақент University клиникаси томонидан тасдиқланган баённома бўйича ўтказилади, трансплантолог, нефролог, уролог, қон томир жарроҳи, анестезиолог, реаниматолог ва иммунологлардан иборат врачлар коллегиял консилиумидан сўнг аниқ бемор донор жуфтлигида БТ тўғрисидаги масала ҳал этилади. Беморлар касалхонадан чиқарилгандан сўнг трансплантолог ва нефролог кўриги остида бўлади.

Диссертациянинг «**Тирик донорни танлаш ва донор нефрэктомиясининг жарроҳлик тактикаси**» деб номланган учинчи бобида потенциал донорнинг клиник-лаборатор текширув натижалари берилган. Донорликка кўрсатма ва қарши кўрсатма мезонлари асосида № DGU 07439 ЭХМ учун потенциал донорни текшириш алгоритмининг дастури расмий қайд қилинганлиги ҳақида гувоҳнома олинган. Ушбу тавсияномага мувофиқ, потенциал донор биринчи навбатда 18–65 ёш тоифасида бўлиши, тана вазни индекси (ТВИ) ≤ 30 кг/м² га, уйғоқ ҳолида артериал босим (АБ) 135/85 мм.с.моб устунига, уйқуда эса 125/75 мм.с.моб устунига тенг келиши, ҳомиладор бўлмаслиги, онкологик касалликлар билан касалланмаган бўлиши, ҚД ва наслий буйрак касалликларига чалинмаган бўлиши керак. Кейинги босқичда донор ва реципиент қон гуруҳлари бир-бирига тўғри келишини аниқлаш, шунингдек буйракнинг яширин патологияларидан копточкаларнинг фильтрация тезлиги (КФТ) дақиқасига 80 мл дан кам бўлиши, протеинурия, гематурия ва пиурия, трансмиссив юқумли касалликлар мавжудлиги инкор қилинган, қон умумий ва биокимёвий таҳлил, коагуллограмма қилинади, буйракда УТТ, кўкрак хужайралари аъзоларининг рентген, юракда ЭКГ, ЭхоКГ текширувлари ўтказилади ва

сийдикни бактериял экиш амалга оширилади. Донор буйрагининг жарроҳлик баҳолашда буйрак МСКТ-ангиография ва сцинтиграфия қилинади. Қимматбаҳо иммунологик тестлар (HLA- турлаш ва Cross-Match) сўнгги босқичда бажарилади, жараён мобайнида донор ва реципиент мувофиқлиги ҳамда иммуносупрессия протоколи аниқланади.

Ишлаб чиқилган алгоритм асосида 2018 йил апрелидан 2019 йил декабригача бўлган муддатда РШТЎИМга БТ учун 212 нафар бемор потенциал қариндошлик донорлари билан муурожаат қилган, уларда сурункали буйрак етишмовчилигининг терминал босқичи (СБЕТБ) кузатилган, ўртача ёши $42,8 \pm 10,4$ ёшни ташкил қилган (1-расм). Барча текширувлар олиб борилганидан кейин 102 нафар бирламчи қариндошлик потенциал донор гетеротопик БТга танланган, уларнинг орасидан 67 нафар жуфтликка буйрак кўчирилди, 35 нафар реципиентда соматик патология кузатилган ва ташриҳолди тайёргарлик тавсия қилинган. Текширув босқичларида 16 нафар донор донорликдан бош тортди, 6 нафар реципиентда ўлимга олиб келувчи натижа кузатилди, 88 донорда текширув жараёнида донорлик нефрэктомияга қарши кўрсатма аниқланди, фақат 8 нафар реципиент донорлик учун бошқа оила аъзоларини тақдим қилди. Донорликка яроқсизлик сабаблари ТВИ > 30 кг/м², артериал гипертензия, глюкозага толерантлик, қон гуруҳларининг тўғри келмаслиги, КФТнинг дақиқасига 80 мл/ паст бўлиши ва трансмиссив инфекциянинг мавжудлиги ҳисобланган.



1-расм. Буйрак трансплантанти учун тирик донорни танлаш натижалари.

Донорликни текшириш вақтида ташриҳдан бош тортганлиги ва донорлик нефрэктомияга қарши кўрсатмалар мавжудлиги сабабли БТ ўтказолмаган кўплаб беморлар (96 нафар реципиент) Ўзбекистон трансплантологиясида донорлик муаммоси борлигини кўрсатади.

Таъкидлаш жоизки, 2020 йилда Ўзбекистон аҳолиси 31 967 745 кишини ташкил қилиб, туғилиш 734 822 , ўлим эса 221 423 кишидан иборатлигини кўрсатилган. Беш ёшгача ўлим эҳтимоли 21, 15-60 ёшдагилар ўлими 160 нафар эркак ва 96 нафар аёлни ташкил қилган. Ўтказилган тадқиқотларга мувофиқ, Ўзбекистонда ёшлар орасидаги ўлимнинг асосий сабаби автомобил ҳалокати ва баланддан қулаш натижасидаги жароҳатлар ISS шкаласи бўйича оғир жароҳатлар ҳисобланади ва 9,6% дан 62,5% гача ташкил қилади. Юқорида баён қилинганларнинг барчаси қон гуруҳи тўғри келмаган донорлар учун жуфт буйрак алмаштириш дастурини қонунлаштириш зарурлигини кўрсатади, шунингдек Ўзбекистонда вафотидан кейин донорлардан БТ ўтказиш кераклигини тасдиқлайди.

Тадқиқотимизнинг навбатдаги босқичи донор буйракка жарроҳлик нуқтаи назаридан баҳо бериш. Бу тадқиқотда донорликка қарши кўрсатма йўқлигини, нефрэктомия ва жарроҳлик техникасини танлашни яқуний тасдиқлайди. 568 донорнинг жарроҳлик баҳолаш натижалари 475 нафарида танланган буйракнинг ягона артерияси мавжудлигини кўрсатган. Кўп артерияли буйраклар орасида асосан икки артерияли буйраклар устунлик қилган ва 77 ҳолатда учраган. 537 ҳолатда битта вена, 30 ҳолатда иккита вена борлиги аниқланган. Донор буйрагига кира олиш учун анъанавий субкостал, лапароскопик ва Вақент клиникаси тавсия қилган параректал яримойсимон усулларидадан фойдаланилган. Бунда донор буйраги термик ишемиясининг ўртача давомийлиги $72,46 \pm 17,24$ дақиқани ташкил қилган, уларда қон томир анастомозлар қўйишга $54,85 \pm 14,07$ дақиқа вақт кетган (1-жадвал).

1-жадвал

Операция натижаларни солиштириш

	Усул			p*
	Лапароскопик	Яримойсимон	Субкостал	
Операциянинг давомийлиги (дақиқа)	162,1±47,4	137,6±35,1	130,8±41,3	0,064
Иссиқлик ишемия вақти (сония)	179,4±96,1	40,0±10,1	42±9,4	0,017
Опреациядан кейинги оғриқлар (балларда)	2,2±1,1	2,3±0,9	2,7±0,8	0,024
Беморлар дискомфортлиги, abs (%)	7 (15,6%)	9 (20%)	11 (24,4%)	0,223
ўрин-кун	3,04±0,99	3,24±1,89	3,49±1,32	0,153

*Краскел Уоллис критерийси бўйича учта гуруҳ кўрсаткичларини қиёслаш.


Ташриҳдан кейинги даврда донорларда асосан ҳансираш кузатилди, бу анъанавий субкостал киришда мавжуд бўлди ва ташриҳдан 2-3 кундан кейин ўзгарди. Ташриҳдан кейин жароҳатнинг йиринглаши (2,6%), олиб ташланган

буйрак соҳасидаги гематома (1,2%) ва буйрак артерияси поғонасидан қон кетиш (0,5%) ҳолатлари кузатилди. Уччала гуруҳда трансплантат фаолиятида сезиларли фарқ аниқланмади, иккита бошқа гуруҳларга қиёсланганда (93,3%), лапароскопик усул билан ишлаган гуруҳда бир йиллик яшовчанлик (88,9%) ни ташкил қилди. Ҳар уччала гуруҳ беморлари орасида ўлим ҳолатлари кузатилмади. Яримойсимон усули бемор ҳаётини яхшилади, шунингдек жарроҳ ва анестезиолог тактикасига ижобий таъсир кўрсатди. Олиб борилган тадқиқот натижаларидан кўринадики, термик ишемия ўртача $72,46 \pm 17,24$ дақиқани ташкил қилди, улардан қон томир анастомозларини қўйилишига $54,85 \pm 14,07$ дақиқа вақт талаб қилинди. Донор танлашда тадқиқ амаллари бўйича ишлаб чиқилган алгоритм текшириш босқичларидаги иқтисодий харажат ва вақтни минималлаштириш имконини берди. Жароҳат амалиётидан кейинги асоратлар ривожланиш хавфини эрта ташхислашга тақдим қилинган алгоритм жарроҳлик амалиёт самарадорлигини ошириш ва трансплантация натижаларини яхшилашга имкон берди.


Диссертациянинг «Тажрибада донор буйраги хужайрасининг парчаланишида термик ишемия давомийлигининг ўрни ва трансплантатнинг жарроҳлик амалиёти пайтидаги ҳимоя усуллари» деб номланган тўртинчи бобда термик ишемиядан кейин буйракни экспериментал текшириш натижалари берилган. Олиб борилган тажрибалар каламушларда ўлим буйрак артериясини боғлаш давомийлиги билан боғлиқлигини кўрсатди: 36 ва 48 дақиқали ишемияда ўлим мос равишда 11,1% ва 27,8% ни ташкил қилди. Бунга пастки ғовак вена тромбози сабаб бўлди. Ишемия кузатилган буйракда шишиш ва қон қуйилиш кузатилди. Агар 12 ва 24 дақиқали ишемияда буйрак фаолиятининг ўзгариши сезилмас даражада кузатилган бўлса, 36 дақиқали термик ишемияда КФТ ва ажратиш фаолиятининг пасайиши ўтувчи характерга эга эканлиги аниқланди. 48 дақиқали термик ишемия КФТни кескин пасайиши, қон зардобиди мочевина, креатинин, калий тўпланиши, протеинурия ривожланиши ҳамда сийдикда юқорида айтилган компонентлар миқдорининг камайишида намоён бўлувчи буйрак фаолиятининг кескин пасайишига олиб келди. Буйрак фаолиятининг бузилиши тажрибанинг 12 –кунида авж олди, буйрак тўлиқ ишдан чиқди.

Олинган натижалар морфологик тадқиқотларда тасдиқланди. 12 ва 24 дақиқали термик ишемияда буйрак тўқимасида дисциркулятор ўзгаришлар, строма томир компонентларида шишиш, эгри бугри каналлар эпителийсида майда томчили вакуоляр дистрофия кўринишида юзаки дистрофик ўзгаришлар ривожланган. Тажрибанинг 14 - кунига келиб буйрак тузилиши тикланди. 36 дақиқали буйракнинг термик ишемиясида аниқланган ўзгаришлар ифодаланган характерга эга бўлди ва кейинги муддатларда улар эгри бугри каналларнинг алоҳида эпителиал хужайраларида сақланиб қолди (2-расм). 48 дақиқали буйракнинг термик ишемиясида тажрибанинг эрта муддатлариданоқ қайтарилмас деструктив-некробиотик ўзгаришлар: толали тузилманинг фибриноид некрози, бириктирувчи тўқиманинг хўжайравий

элементларини парчаланиши ва фрагментацияси, ишемик деструкция ҳамда эгри бугри каналлар эпителиал хужайрада некробиозининг ривожланиши аниқланди (3-расм).




2-расм. 36 дақиқали буйракнинг иссиқлик ишемияси (7 кун). Эгри бугри каналлар эпителиаларининг дистрофик-некробиотик ўзгаришларининг тарқалганлиги (1), строма шиши(2).Бўяш: Г-Э. X: 10x100.



3-расм. 48 дақиқали буйракнинг иссиқлик ишемияси (7 кун). Проксимал эгри бугри каналлар бутунлай парчаланган (1), уларда эпителиаларнинг цитоплазма ҳамда ядросида ҳам тузилмавий элементлар аниқланмаяпти.

Демак, экспериментал тадқиқот натижалари донор буйрагининг давомли термик ишемияси унинг фаолиятига таъсирини тасдиқлайди. Ҳақиқатдан, бу трансплантациядан кейин буйрак фаолиятининг кечикишига олиб келиши мумкин. Трансплантант фаолиятининг термик ишемияга тўғридан-тўғри боғлиқлигини ҳисобга олиб, термик ишемиядан донор буйрагининг жарроҳлик амалиёти пайтида химоя усуллари излаш ва яратишга қизиқиш уйғонди. Шу муносабат билан жарроҳлик амалиёти пайтида буйракни термик ишемиядан химоялаш ускунаси яратилди ва унга патент олинди, ускуна донор аъзосини 4°C ҳароратда доимий совутиб туришни таъминлайди (4-расм). Совутовчи ускуна пластик футляр кўринишида бўлиб ёпиқ оқим тизимида, ичида совутилган суюқлик айланиб туради. Суюқликнинг 4°C ҳароратда доимий совутилиши ва унинг айланишини мавжуд беморни совутиш/иситиш BLANKETROL®III мосламаси амалга оширади. Таклиф этилаётган техник ечимнинг ўзига хос фарқ қилувчи хусусияти, жарроҳлик амалиёти пайтида кўшимча кераксиз манипуляцияларга эҳтиёж сезмай, донор аъзосининг қон томир анастомозларини қўйиш вақтида трансплантантни 4°C гача ҳароратда доимий сақлаб туришидадир. Мазкур усулда чиқариб олинган донор органи реперфузия қилиниб, стерилланган совутовчи футлярга жойлаштирилади, буйрак дарвозаси қон томир анастомозларини қўйиш учун ташқарига чиқарилади. Қон томир анастомозлари қўйилиб донор орган қонга қўшилганидан кейин иситиш тартиби ўрнатилади. Трансплантант иситилиб реципиентда унинг фаолияти тикланганидан кейин донор аъзодан футляр ечилади.



4-расм. Совуқ футлярга ўрнатилган донор буйраги.

Шундай қилиб, ушбу ишда трансплантат фаолиятининг кечикиб ривожланишида термик ишемиянинг ўрни биринчи бўлиб илмий асосланди. Термик ишемиядан донор буйракни ҳимоя қилишда патентланган усул трансплантация натижаларини сезиларли яхшилаш, ТФК ривожланишини камайтириш имконини беради.

Диссертациянинг «**Буйрак кўчириб ўтказишда жарроҳлик амалиётидан кейинги асоратларни ташхислаш ва даволаш**» деб номланган бешинчи бобида Гибсоннинг ташқи қорин ўзгартирилган кесмасидан фойдаланиб, донор нефрэктомия ўнг (325 нафар бемор) ёки чап (243 нафар бемор) қовурға билан қорин ораси соҳасида олиб борилган гетеротопик ТП натижалари берилган. Вена анастомози донор буйрак венаси ва реципиентнинг ташқи қовурға билан қорин ораси соҳасидаги вена ўртасида «охири-ёнма-ён» кўринишида артериал анастомоз (59,2%), ички анастомоз (13,6%) ёки умумий қовурға билан қорин орасидаги артерияга (10,7%), шунингдек реципиентнинг аортасига (0,2%) қопланган. Тадқиқотимизда қон томир анастомозларини (иккиламчи термик ишемия) қўйиш учун ўртача $54,85 \pm 14,07$ дақиқа керак бўлди, тирик донордан буйрак трансплантати ишемиясининг умумий вақти $72,46 \pm 17,24$ ни ташкил қилди. Қон оқими бошланиши ва донор буйраги иситилганидан кейин 459 ҳолатда трансплантатнинг тезкор фаолияти аниқланди. Сийдик пуфаги билан буйракни уловчи най диаметрига ва уни қон таъминоти адекватлигига боғлиқликда жарроҳлик амалиёти пайтида стентлаш масаласи ҳал қилинди: 252 ҳолатда уретеровезикал анастомоз стентлаш билан ва 316 ҳолатда стентланмасдан бажарилди.

Жахон тажрибалари натижаларини таҳлил қилиб, адабиёт маълумотларига, шунингдек шахсий тажрибаларга асосланган ҳолда, БТ дан кейинги асоратларни ташхислаш ва даволаш бўйича амаллар алгоритми ишлаб чиқилди, № DGU 07438 ЭХМ дастур расмий рўйхатдан ўтиб, гувоҳнома билан тасдиқланган. Тавсия қилинган алгоритм буйрак трансплантати дисфункциясига олиб келувчи жарроҳлик амалиётидан кейинги барча асоратларни қамраб олади. У маълум асоратлар пайдо бўлишида кузатиладиган аломатларга асосланади. Трансплантатнинг кечиктирилган иш фаолияти (ТКИФ), буйрак қабул қилинмаслик ва кальций

неврин ингибиторлари нефрозахарлилиги (КНИ)нинг аломатлар мажмуи ўхшашлигидан у ёки бу асоратни нотўғри талқин ва даволашга олиб келиши мумкин, бу эса кўчириб ўтказилган буйракни йўқотиш ёки реципиентнинг ўлимига сабаб бўлади. Ишлаб чиқилган алгоритм негизида доплерография билан УТТ ётади. Такдим қилинган алгоритмга мувофиқ буйрак трансплантациясидан кейинги асоратларни қадамма қадам қиёсий ташхислаш мақсадга йўналтирилган даволаш тактикасини аниқлайди.

Назорат (алгоритм татбиқ қилингунича; 404 нафар реципиент) ва асосий гуруҳларда (алгоритм татбиқ қилингандан кейин; 164 нафар реципиент) БТ натижаларининг қиёсий таҳлили назорат гуруҳида 77,5% ҳолатда ҳамда асосий гуруҳда 89% ҳолатда трансплантатнинг тезкор фаолиятини кўрсатди. ТКИФ беморларида жарроҳлик амалиётидан кейинги даврда шошилишч гемодиализ (ГД) ўтказишни талаб қилинди. Жарроҳлик асоратларидан кўпинча 19,3 ва 18,3% ҳолатда лимфоцеле; 37,4 ва 9,1% ҳолатда сийдик йўлларида инфекция; 10,4 ва 7,3% ҳолатда томир асоратлари; 10,1 ва 7,3% ҳолатда урологик асоратлар асосий ва назорат гуруҳларида мос тарзда кузатилди. Қон –томир асоратлари орасида периренал соҳасида гематома энг кўп учраган, қон кетишнинг сабаби артериал ёки вена астомозларининг қобилиятсизлиги ҳисобланган. Трансплантат капсула ёки паренхимаси ёрилишидан қон кетиш кузатилган. Артериал анастомоз соҳасида ангиографик усулда томир диаметрининг 30%-80% торайиши ташхисланган.

Урологик асоратлар орасида анастомоз соҳасидаги везикоуретрал рефлюкс, сийдик пуфаги билан буйракни уловчи органнинг дистал қисми стенози, сийдик пуфаги дисфункцияси устунлик қилди. Йирингли асоратлар орасида пневмония; жарроҳлик амалиётидан кейин жароҳатнинг йиринглашиши кўп учради. Асосий ва назорат гуруҳларида мос тарзда 3,5% ва 1,8% беморда сепсис, 24% ва 1,8% беморда цитомегаловирус (ЦМВ) қайталаниши, 18,8% ва 4,3% ҳолатда БТ дан кейин биринчи аниқланган қандли диабет, 19,3% ва 5,5% ҳолатда трансплантатни қабул қилмаслик кузатилди.

Асосий ва назорат гуруҳларида БТ дан кейин аниқланган асоратларни даволаш тактикаси сезиларли фарқ қилмади. 101 ҳолатда барча аниқланган лимфоцеллда пункция ва дренаж олиб борилди, 30 ҳолатда аниқланган гематомалар орасида жарроҳлик амалиётлар ўтказилди. Диаметри 30% дан ортиқроқ бўлган трансплантат артерияси стенози кузатилган реципиентларда ангиографик стентлаш ёки балонли дилатация ўтказилди. Вена оқимининг бузилиши тромбэктомия билан бартараф этилди. Урологик асоратларда перкутан нефроуретероцистостомия, сийдик пуфаги билан буйракни уловчи аъзо «double J» стентлаш билан балонли дилатация амалга оширилди.

Барча такрорий жарроҳлик амалиётларда сийдик пуфаги билан буйракни уловчи аъзо «double J» стентланди ва пассаж тиклангандан кейин нефростомалар олиб ташланди. БТ дан кейин преднизолон ва КНИ берилиши натижасида биринчи марта қандли диабет аниқланган барча реципиентларга

инсулин ўрнини босувчи дори воситалари ёрдамида қонда қанд миқдори меъёрига етказилган.

